

ТАСДИҚЛАЙМАН
“Uzbekistan Airways” АЖ
Бошқарув раиси

Ш.Ш.Худайкулов

“06” 03 2024 йил

“Uzbekistan Airways” АЖ бошқаруви мажлисининг
8-сонли БАЁННОМАСИ

“06” 03 2024 й.

Тошкент ш.

Раислик қилувчи:

Ш.Ш.Худайкулов

Бошқарув раиси

Катнашувчилар:

У.А.Хусанов

Бошқарув раисининг ишлаб чиқариш бўйича
биринчи ўринбосари

А.А.Саттаров

Бошқарув раисининг трансформация,
молиявий ва рақамлаштириш масалалари
бўйича биринчи ўринбосари

Ш.Ш.Ядгаров

Бошқарув раисининг тижорат ва туризм
бўйича ўринбосари

Ш.И.Икрамов

Бошқарув раисининг парвоз ишларини
ташкил этиш бўйича ўринбосари

С.Р.Уралов

Бошқарув раисининг режим ва авиация
хавфизлиги бўйича ўринбосари

Иштирок этганлар:

“Uzbekistan Airways” АЖ департамент,
бошқарма ва бўлим бошлиқлари

Мажлис ўтказиш жойи

“Uzbekistan Airways” АЖ марказий аппарати
Тошкент ш., А.Темур шоҳ кўчаси, 41-уй,
конференциялар зали

“Uzbekistan Airways” АЖ бошқаруви тўғрисида”ги Низомнинг
4.2-bandiga кўра, Бошқарув мажлисини ўтказиш учун кворум сайланган
Бошқарув аъзолари умумий сонининг камидаги 50 фоизини ташкил қилиши
белгиланган.

“Uzbekistan Airways” АЖ бошқарувининг мазкур йигилишида кворум
86 фоизни ташкил этди.

Кун тартиби:

1. 2023 йил якуни ва декабрь ойида “Ijro.gov.uz” тизими орқали назоратга олинган қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва баёнларидаги топшириқларнинг бажарилиши натижаларини кўриб чиқиши.

2. 2024 йил январь ойида “Ijro.gov.uz” тизими орқали назоратга олинган қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарор, фармойишлари ва топшириқларнинг ижросини таъминаш натижаларини кўриб чиқиши.

Кун тартибидаги масала юзасидан бошқарув раисининг биринчи ўринbosари У.Хусанов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “*Ijro.gov.uz*” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги 2021 йил 31 майдаги ПҚ-5132-сон қарори асосида қонунчилик хужжатлари ва топшириқлар ижро ҳолати ҳар ҳафта душанба куни вазирликлар, идоралар ва маҳаллий ҳокимликларнинг раҳбари хузурида муҳокама қилиш белгилаб қўйилган.

2023 йил давомида “Uzbekistan Airways” АЖ Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари бўйича умумий ҳисобда 42 та топшириқ келиб тушган. Йил якунига кўра қарздорликлар мавжуд эмас. Хусусан:

2023 йил давомидаги қуйидаги топшириқларнинг бажариш муддати узайтирилган. Хусусун:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фуқаро авиацияси корхоналарини трансформация қилиш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-5100 сонли Қарори :

- 1.1.1.5 банд. Халқаро кредит рейтингларини олиш (ушбу топшириқнинг бажариш муддати 2024 йил 1 май этиб белгиланган).

- 1.3.10.2 банд. Юк ташувчи ҳаво кемалари сонини тўрттага етказиш ва энг яхши таклиф берган компания билан шартнома тузиш (ушбу топшириқнинг бажариш муддати 2027 йил 31 декабрь этиб белгиланган).

- 1.3.10.3 банд. Юк ташувчи ҳаво кемалари сонини тўрттага етказиш, ҳаво кемаларини юк ташиш турига конвертация қилиш (ушбу топшириқнинг бажариш муддати 2027 йил 31 декабрь этиб белгиланган).

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2023 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-357 сонли Қарори.

2022-2023 йилларда иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларини рақамлаштириш бўйича устувор лойиҳалар рўйхатининг З-иловаси:

- 57.3-банд. Янги парвозларни бошқариш марказини ташкил қилиш ҳамда тизимни ишлаб чиқиш ва фойдаланишга топшириш. (ушбу топшириқнинг бажариш муддати 2024 йил 31 декабрь этиб белгиланган).

- 61.4-банд. Авиакомпанияда ERP (SAP) тизимини жорий қилиш ва тизимни жорий қилиш даврида, бир вақтнинг ўзида техник-иктисодий ҳисобкитобларни амалга ошириш (ушбу топшириқнинг бажариш муддати 2024 йил 1 август этиб белгиланган).

- 63.2-банд. AMOS MRO (Maintenance, Repair, and overhaul) тизимларини жорий қилиш. Тизимни харид қилиш ва босқичма-босқич жорий этиш. (2023 йил якунига қадар) (ушбу топшириқнинг бажариш муддати 2024 йил 30 декабрь этиб белгиланган).

Кун тартибидаги масала юзасидан мажлис иштирокчилари ўртасида муҳокамалар бўлиб ўтди ва Баёнда келтирилган Жамият томонидан йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Муҳокамалардан сўнг кун тартибидаги қўйидаги масалалар қарор қабул қилиш учун **овозга қўйилди**:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 16 февралдаги 13/72-сонли баёни маълумот ва ижро учун учун қабул қилинсин.

2. Жамият бошқарув раиси ўринбосарлари, департамент, бошқарма, бўлим бошлиқлари кейинги ойларда “Ijro.gov.uz” тизимида назоратга олинган қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, қарори, фармойиши ва топшириқлари ижросини сўzsиз ва белгиланган муддатларда таъминласин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Жамият бошқарув раиси биринчи ўринбосари У.А.Хусанов зиммасига юклансин.

Кун тартибидаги масала юзасидан овоз бериш натижалари:

ёқлаб - 5-та овоз (Худайкулов, Хусанов, Саттаров, Ядгаров, Икрамов Уралов), қарши – йўқ, бетараф – йўқ.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан қарор қилинди:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 16 февралдаги 13/72-сонли баёни маълумот ва ижро учун учун қабул қилинсин.

2. Жамият бошқарув раиси ўринбосарлари, департамент, бошқарма, бўлим бошлиқлари кейинги ойларда “Ijro.gov.uz” тизимида назоратга олинган қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, қарори, фармойиши ва топшириклари ижросини сўзсиз ва белгиланган муддатларда таъминласин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Жамият бошқарув раиси биринчи ўринбосари У.А.Хусанов зиммасига юклансин.

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан бошқарув раисининг биринчи ўринбосари У.Хусанов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166 фармони ҳамда 2021 йил 31 майдаги ПҚ-5132-сон қарори талабларига мувофиқ “Ijro.gov.uz” тизими орқали назартга олинган топширикларнинг 2024-йил январь ойидаги ижро ҳолати таҳлили белгиланган.

“Uzbekistan Airways” АЖ бўйича 2024 йил **январь** ойида давомида муддати келадиган Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириклари юзасидан топшириклар келиб тушган. Хусусан:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хива – 2024 йилда ислом дунёсининг туризм пойтахти” халқаро тадбирига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 12 июлдаги ПҚ-223-сон қарори:

- 13.1-банд. 13. Маданият ва туризм вазирлигининг талабномасига асосан қўйидагиларга:

“Uzbekistan Airways” АЖга хорижий иштирокчилар учун халқаро ва маҳаллий рейсларга авиаҷиталарнинг банд қилинишини таъминлаш (Муддат 2024йил 12.июнга қадар узайтирилган).

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2023–2025 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 28 декабрдаги ПҚ-459-сон қарори:

- 2-илюва. 2023-2025 йилларда тармоқлар ва худудлар кесимида инвестиция ва кредитларни ўзлаштиришнинг мақсадли кўрсаткичлари

Амалга ошириш механизми:

“Uzbekistan Airways” АЖ 55,0 (Муддат 2025йил 25 январга қадар узайтирилган).

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2030 йилгача Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтишига қаратилган ислоҳотлар самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” 2022 йил 2 декабрдаги ПҚ-436-сон қарори:

- 3-йлова 58.4-банд. Давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларига “яшил” иқтисодиёт масалаларини мувофиқлаштириш вазифасини юклаш ва “яшил” иқтисодиёт масалалари бўйича тузилмаларни ташкил этиш.

Амалга ошириш механизми:

4. “Яшил” иқтисодиёт масалалари билан шуғулланишга масъул бўлинмаларнинг йил якунлари бўйича амалга оширган ишлари тўғрисидаги ҳисботини Иқтисодий таракқиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига тақдим этиш. (2023 йилдан бошлаб ҳар йилнинг декабрида) “Uzbekistan Airways” АЖ ҳам ижрочи (Муддат 2024 йил 25 декабрга қадар узайтирилган).

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигига “Тармоқ ва ҳудудларда ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда давлат бошқарувини рақамлаштириш бўйича устувор вазифалар тўғрисида” 2023 йил 20 декабрь куни кенгайтирилган тарзда ўтказилган видеоселектор йиғилишининг 48 - сонли баёни:

- 51-банд 2024 йилда рақамлаштириш ҳисобига, операцион харажатларини 15-30 фойизга камайтириш бўйича аниқ ҳисоб-китоблар билан зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқиб, тасдиқласин ва Вазирлар Маҳкамасига киритилган.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Оилаларни мустаҳкамлаш ва хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2023 йил 21 декабрдаги ПҚ-401-сон қарори:

- 3-йлова 51-банд. Хотин-қизлар ва кам таъминланган оилалар фарзандлари учун “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!” дастури доирасида экскурсиялар ва саёҳатлар ташкил этиш чора-тадбирларини амалга ошириш. (Муддат 2024 йил 25 июня қадар узайтирилган).

“Uzbekistan Airways” АЖ бўйича 2024 йил **февраль** ойи давомида муддати келадиган Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириклари юзасидан:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2022 йил 10 август куни Тошкент шаҳрига ташрифи давомида Тошкент архитектура-қурилиш институтининг янги биноси, Юнусобод туманидаги “Собиробод” маҳалласида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, Яшнобод туманида ташкил этилган ипотека маркази билан танишиш ҳамда ўтказилган мулоқотларда берилган топшириклар бўйича

64 - сонли баён (64-2022, 29.08.2022).

- 2.1-банд. Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда янги барпо этилаётган кўп қаватли обьектлар, йирик ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда давлат ташкилотлари ва идораларининг мавжуд биноларида камида 30 фойизгача электр энергиясини муқобил энергия манбаларидан олиш мақсадида қуёш панеллари ўрнатилишини ташкил этсин.

(“Uzbekistan Airways” АЖ томонидан киритилган маълумот Адлия вазирлиги томонидан қабул қилинган, асосий ижро ташкилот – Энергетика вазирлиги маълумот киритгач, ижро муддати узайтирилади).

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан мажлис иштирокчилари ўртасида муҳокамалар бўлиб ўтди ва Баёнда келтирилган Жамият томонидан йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Муҳокамалардан сўнг кун тартибидаги қўйидаги масалалар қарор қабул қилиш учун **овозга қўйилди**:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 19 февралдаги 14/74-сонли баёни маълумот ва ижро учун учун қабул қилинсин.

2: Жамият бошқарув раиси ўринбосарлари, департамент, бошқарма, бўлим бошлиқлари кейинги ойларда “Ijro.gov.uz” тизимида назоратга олинган қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, қарори, фармойиши ва топшириқлари ижросини сўзсиз ва белгиланган муддатларда таъминласин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Жамият бошқарув раиси биринчи ўринбосари У.А.Хусанов зиммасига юклансин.

Кун тартибидаги масала юзасидан овоз бериш натижалари:

ёқлаб - 5-та овоз (Худайкулов, Хусанов, Саттаров, Ядгаров, Икрамов Уралов), қарши – йўқ, бетараф – йўқ.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан қарор **қилинди**:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 19 февралдаги 14/74-сонли баёни маълумот ва ижро учун учун қабул қилинсин.

2. Жамият бошқарув раиси ўринбосарлари, департамент, бошқарма, бўлим бошлиқлари кейинги ойларда “Ijro.gov.uz” тизимида назоратга олинган қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, қарори, фармойиши ва топшириқлари ижросини сўзсиз ва белгиланган муддатларда таъминласин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Жамият бошқарув раиси биринчи ўринбосари У.А.Хусанов зиммасига юклансин.

Мажлис раиси томонидан кун тартибига киритилган масалалар түлиқ қўриб чиқилганлиги таъкидланди.


Жамият Бошқарув раиси Ш.Ш.Худайкулов мажлис қатнашчиларига иштирок учун миннатдорчилик билдириди ҳамда мажлисни ёпиқ деб эълон қилди.

Мажлис котиби:

М.Рузиева

Бошқарув аъзолари:

У.А.Хусанов



Бошқарув раисининг ишлаб чиқариш бўйича биринчи ўринбосари

А.А.Саттаров



Бошқарув трансформация, рақамлаштириш раисининг молиявий ва масалалари бўйича биринчи ўринбосари

Ш.Ш.Ядгаров



Бошқарув раисининг тижорат ва туризм бўйича ўринбосари

Ш.И.Икрамов



Бошқарув раисининг парвоз ишларини ташкил этиш бўйича ўринбосари

С.Р.Уралов



Бошқарув раисининг режим ва авиация хавфсизлиги бўйича ўринбосари